



МАКТАБЛАРНИ БИТИРУВЧИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗГА

Қадри мактаб битирувчилари! Сизларни мактаб таълимини муваффақиятли тугатиб, мустақил ҳаётга — умрингизнинг янада гўзал ва масъулиятли босқичига қадам қўяётганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мамлакатимиздаги барча умумтаълим даргоҳларида “сўнги кўнгирак”лар янграб, қадрдон мактабингиз, меҳрибон устозларингиз билан хайрлашув тадбирлари ўтказилаётган ушбу қувончли ва гўят ҳаяжонли дамларда ҳаммангизга келгуси ҳаётда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Умид ва ишонч рамзи бўлган етуқлик шаҳодатномалари барчангизга муборак бўлсин!

Азиз болаларим!

Бу йил республикамызда 390 минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар умумтаълим мактабларини битирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, ўз билим ва истеъдодини Ватанимиз ва халқимизга муносиб фарзанд бўлишдек олижаноб мақсадларга сарфлашга чоғланиб турган сиздек тиришқоқ ва интилувчан фарзандларимиз — бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, Янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, бебаҳо хазинасидир.

Албатта, бугун юртимизда мактаб битирувчилари билан бирга уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийлар учун ҳам унутилмас кундир. Ушбу қувончли айёмда уларни ҳам чин дилдан қўлаб, барчасига эзгу тилакларимизни ихсоз этамиз.

Сўнги йилларда мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим тизими сифат жиҳатидан кескин ўзгарди. Айниқса, мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиб, бу борада туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда юртимизда 10 мингдан зиёд давлат умумтаълим мактаблари билан бирга қўлаб нодавлат, давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактаблар, Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари фаолият юритаётгани ушбу тизимда қисқа муддатда чуқур таркибий ва сифат ўзгаришлари юз берганини кўрсатади.

Биргина ўтган йилда 3,3 триллион сўм маблағ ҳисобидан 789 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз кўлга қиритган медаллар сони

3 баробар, минтақавий олимпиадаларда эса қарийб 2 баробар кўпайгани, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 900 мингдан зиёд ўқувчи дастурлаш асосларини ўрганиб, сертификатга эга бўлгани барчамизни хурсанд қилади.

Бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган жонкуяр ўқитувчилар, устоз-мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш, жамиятдаги обрў-эътиборини оширишга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Тараққий топган давлатлар тажрибаси асосида мактаб таълими учун ўқув дастури ва дарсликлар янгиланмоқда. Айниқса, умумтаълим мактаблари учун 326 номда ўқув-методик мажмуалар, ўқитувчилар китоби ҳамда машқ дафтарлари яратилгани муҳим қадам бўлди.

Юртимиздаги барча мактаблар юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғига уланиб, локал тармоқ ҳамда Wi-Fi ускуналари ўрнатилди.

Шунингдек, ҳозирги нотинч замонда фарзандларимизни юксак маънавият эгалари, чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Кенг қўламдаги маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда, ёшларимиз ўртасида китобхонликни кучайтириш, уларни адабиёт, санъат ва спорт тўғрисидаги янада фаол жалб этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Азиз фарзандларим!

Кейинги пайтда халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган сиз каби ёшларимиз учун Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатига айланиб бормоқда. Республикамызда фаолият кўрсатаётган 162 та олий ўқув юрти, қўлаб касб-хўна мактаблари, коллеж ва техникумлар келгусида сизларнинг ўзингиз танлаган соҳалар бўйича етуқ кадр ва малакали мутахассис бўлишингиз учун хизмат қилади.

Шунингдек, 78 та олий таълим муассасасида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, олий маълумот олиш ҳамда масофавий таълим шаклида қадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилдаги 9 фоиздан бу йил 38 фоизга етказилди.

Юртимизда етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ўқувчилар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, ногирон болалар учун профессионал таълим тизимида алоҳида имкониятлар яратилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, 2020-2021 ўқув йилида коллеж ва техникумларга тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган 1157 нафар, 2021-2022 ўқув йилида эса 1433 нафар ўқувчи қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Аминман, сизлар ана шундай имкониятлар асосида етуқ мутахассислар бўлиб, келгусида юртимиздаги замонавий кластерлар, фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари, катта-катта қурилишлар, фирма ва компаниялар, давлат ва нодавлат ташиқлотлар, маданий ва ижодий жамоаларда иш бошлайсиз ва Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишга албатта муносиб ҳисса қўшасиз.

Мухтасар айтганда, мактабни битириб чиқаётган йигит-қизларимизнинг ҳар бири эл-юртимизнинг меҳри ва эътиборида бўлади. Бу борада жойларда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, сектор раҳбарлари, маҳалла жамоатчилиги ота-оналар ва устозларингиз билан биргаликда сизларга яқин кўмакчи ва маслаҳатчи бўлади.

Мана шундай шуқуҳли онларда сиз, азиз фарзандларимни мактаб таълимини муваффақиятли тамомлаб, ҳаётингизда дастлабки муҳим доводдан ошганингиз билан яна бир бор табриклайман.

Ҳеч қачон унутманг, келажақда сизни янада улкан ва масъулиятли марралар кутмоқда. Олдингизга аниқ мақсад қўйиб, бор куч-гайратингиз, билим ва салоҳиятингиз билан ҳаракат қилсангиз, қўзлаган чўққиларга албатта эришасиз.

Барчангизга ишда ва ўқишда, шахсий ҳаётда катта ютуқ ва омадлар тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг!

Интилиб, изланиб яшашдан асло тўхтаман!

Бахт ва омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин, азиз ўғил-қизларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўтган йил ноябрь ойида Москва шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувда эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йил бошидан фаол мулоқотлар ва ўзаро таширлар суръати ош-

гани мамнуният билан қайд этилди. Март ойи охирида биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳамда апрель ойида Ўзбекистон пойтахтида янги минтақавий форматда ташкил этилган “Иннопром” халқаро саноат курғазмаси доирасида икки томонлама тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Саноат кооперацияси бўйича устувор лойиҳалар давом эттирилмоқда. Жорий йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 40 фоизга ошди.

Гуманитар ҳамкорликка доир, шу

жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, туризм ва спорт соҳаларида муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари ишбилармон доиралар ўртасидаги кооперация алоқаларини чуқурлаштириш ва худудлараро алоқаларнинг катта салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳимлигини қайд этилди.

Минтақавий кун тартиби ва халқаро сиёсат масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Икки мамлакат Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимигидек очиклик, ишонч ва дўстлик руҳида ўтди.

Ў.А.

НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 24 май куни нефть-газ хомашёсини қазиб олиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизнинг Тараққиёт стратегиясида иқтисодиётни либераллаштириш ва саноатнинг етакчи тармоқларини трансформация қилиш бўйича мақсадлар белгиланган. Жумладан, нефть-газ соҳасида ҳам трансформация жараёнилари бошланган.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари, аввало, шу масалага эътибор қаратиб, бу жараёни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади. Халқаро консультантлари

жалб қилиб, стратегик ёндашувларни белгилаб олиш, нефть-газ соҳасида ҳисоб-китоб механизмлари шаффофлигини таъминлаш вазифалари қўйилди.

Корхоналарни молиявий соғломлаштириш, операцияон самарадорлиқни ошириш орқали харажатларни қисқартириш, бошқарув тизimini илгор хорижий тажриба асосида ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ў.А.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА

ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ҚУВВАТ МАНБАИ

Энергетика соҳаси, хусусан, гидроэнергетика тармоғи миллий иқтисодиётимизнинг асосий қувват манбаи ҳисобланади. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан қайта тикланувчи электр энергиясини ишлаб чиқариш, ушбу жараёнга истиқболли ва самарали лойиҳалар асосида хорижий инвестиция мубайнада ишлаб келаётган ГЭСларни модернизация қилиш борасидаги ишлар тобора кенг қўлам касб этиб борапти. Кейинги беш йилда 11 та янги гидроэлектр станция қурилди, 9 таси модернизация қилинди. Натижада 200 МВт қўшимча электр қуввати яратилди.

Давоми 4-бетда

ФОРУМ

Юртимизда ёш авлодни интеллектуал салоҳиятли, мақсадга интилувчан, сергайрат, ватанпарварлик руҳида етуқ ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар қамрови кун сайин кенгаймоқда.

Ёшлар бир мақсад йўлида бирлашди

Фарғонада Марказий Осиё ёшлар форуми доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Тожикистон форуми бу борадаги ишлар салмоқини янги босқичга олиб чиқди. Бу ерда кўшни давлатдан келган баркамол авлод вакиллари иштирокида қизиқарли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ва мароқли саёҳатлар ташкил этилди.

Қардош юрт ёшлари саёҳатни қўна Марғилондаги Ҳўнармандлар маркази ва Рақамли технологиялар маркази

фаолияти билан танишишдан бошлади. Бу бежиз эмас. Кейинги йилларда Фарғонада ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни қўлаб-қувватлаш, тадбиркорлик муҳитини шакллантиришда ушбу марказлар муҳим роль ўйнамоқда. Бу ерда иш “устоз-шогирд” анъанаси асосида йўлга қўйилган.

Давоми 6-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

УЛУҒВОР ҚУДРАТ ЖЎШҚИНЛИГИ ИЖТИМОЙ ТАФАККУР ВА Учинчи Ренессанс унсурларида жилоланади



Янги Ўзбекистон ва жамиятимизнинг боши мақсат — халқпарвар давлат қуриш, пировардида, халқни рози қилиш. Бу сазй-ҳаракатлар ҳаётимиздаги туб ўзгаришларда, одамлар кайфиятида, уларнинг эртанги кунга ишончида намоён бўлмоқда. Хусусан, бугунги ислохотлар замиридаги халқни бирлаштирувчи, руҳлантирувчи ягона мақсад ва интилиш, шубҳасиз, Учинчи Ренессанс ҳисобланади. Табиийки, унинг мазмун-моҳияти, мезон ва тамойиллари биз танлаган йўл, инсонпарвар жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

2022 йил 23 май куни Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонун ижроси юзасидан Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан амалга оширилган ишлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди.

Ушбу қонунга асосан, томорқа ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий дастаклаш, бандлигини таъминлаш ва камбағаллини қисқартириш, кўмакка муҳтож оилалар, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, томорқачиликни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, илғор хорижий тажриба ва агротехнологиялар бўйича етарли билим ва малакага эга кадрлар тайёрлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2 та фармони, 9 та қарори ҳамда ҳукуматнинг 15 та қарори ва 6 та амалий чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида томорқа хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор имтиёзлар берилди.

Жумладан: парранда, қурқа, қуён, қўй ва эчки, асалари уяси харид қилиш, интенсив усулда балик боқишни йўлга қўйиш, шунингдек, “дала дўконлари” қуриш, артезиан қудуқлар қазихи, полиз, дуқакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик учун 1 йиллик имтиёзли давр билан 3 йил муддатта имтиёзли кредитлар ажратиш;

ичкам иссиқхоналар қуриш, кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик билан шуғулланишга ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилишга 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатта 14 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ажратиш;

томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига оғирхоналарни жиҳозлаш, қуришти, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг 30 фоизи миқдориди, бироқ 150 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмида субсидия ажратиш;

шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобидан сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқа ерларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқлари бургилаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш каби қўллаб-қувватлаш берилди.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига томорқа хўжаликлари ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, жойларда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб маҳалла-

ларни муайян экин турини етиштиришга ихтисослаштириш, таъминотчи, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан томорқа хўжаликлари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш каби ўз ечимини қутаётган бир қатор масалалар кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, мажлисда 2022 йил учун мақсадли вазифалар белгиланиб, бунда қуйидаги устувор вазифалар долзарблиги алоҳида таъкидланди:

Биринчи — 5,5 миллиондан ортиқ аҳолининг 509 минг гектар томорқа еридаги эртаки экинлардан, деҳқон хўжаликларининг такрорий (*ўрлаки*) экинларидан ҳамда тўқсонбости усулида экилган сабзавот экинларидан жами 15,2 миллион тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилишини таъминлаш;

Иккинчи — узумчиликка ихтисослашган маҳалалардаги аҳоли томорқасида серҳосил, экспорт-боп узум навлари экиш чораларини қуриш, шунингдек, 42 миллион туп тут ва мевали дарахт қўчатлари экиш;

Учинчи — “Бир маҳалла — бир маҳсулот” таъминоти асосида 4 минг 109 та маҳаллани муайян турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш, 133,3 мингта аҳоли томорқасида илгирчи иссиқхоналар ташкил этиш;

Тўртинчи — аҳоли томорқаларига комплекс хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида мамлакатнинг мева-сабзавот кўп етиштирилаётган 36 та туманида томорқа хизмати кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш;

Бешинчи — аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб бериш, етиштирилган маҳсулотни сотишни ташкил қилиш учун аҳоли гавжум маҳаллаларда кичик сифимли музлаткичга эга бўлган енгил конструкцияли 2 000 та “дала дўкони” ташкил қилиш;

Олтинчи — сув таъминоти оғир бўлган қишлоқ ва овулларда қазилаётган артезиан қудуқлар учун 100 миллиард сўм субсидия ажратиш;

Еттинчи — “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” ҳамда томорқа ерларидан самарали фойдаланган фуқароларга аукцион орқали 10 йилга деҳқон хўжалиги сифатида берилган 80 минг гектар майдонга қишлоқ хўжалиги экинлари экилишида амалий ёрдам кўрсатиш;

Саккизинчи — томорқа ер эгаларини ва “Томорқа хизмати” МЧЖларни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан йил давомида 390 миллиард сўм ажратиш каби бир қатор вазифалар белгиланган.

Мажлис якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинди.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Тошкентда “Инсон кадри” онлайн платформаси ҳамда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўплами тақдиротида бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан ташкил этилган тадбирда Тараққиёт стратегияси ижросига масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар, ННТлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, хорижий давлатлар элчилари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва экспертлар иштирок этди.



ИНСОН ҚАДРИ ЭНДИ ОНЛАЙН ПЛАТФОРМАДА ҲАМ АКС ЭТАДИ

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков ва бошқалар Тараққиёт стратегиясида “Инсон кадри учун” таъминоти ҳаётида тўла рўёбга чиқариш вазифаси яққол акс этгани, унинг замирида ҳар бир инсоннинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириши, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришдек устувор мақсад ва вазифалар муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Қайд этилганидек, 2017-2021 йилларда Харакатлар стратегияси доирасида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини қуриш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожлантириш, халқнинг оқилолти ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашга қаратилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

— Ўтган беш йилда халқ билан мулоқот қилиш, инсонлар дарди, муаммоларини

самарали, тезкор ҳал этиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди, — дейди Э.Туляков. — Хусусан, давлат органларининг аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқоти йўлга қўйилди, йилдан-йилга шаффофлик ортиб борди. Бу эса ўз-ўзидан аҳолининг давлат органларига нисбатан муносабатини тубдан ўзгартирди, ислохотларга ишончи ва дахлдорлигини кучайтирди. Энг муҳими, фуқаролар томонидан давлат органлари олдида масала қўйиш имкониятлари янада кенгайди.

Тараққиёт стратегияси ва давлат дастурининг жойлардаги ижроси натижаларини кенг аҳоли қатламига етказиб бериш ҳамда унинг жойлардаги ижросида бевосита аҳоли иштирокини таъминлаш мақсадида “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда “Инсон кадри” онлайн портали ишлаб чиқилди.

Тадбирда порталнинг ишлаш механизми, ундан қўтилаётган натижалар тўлақонли ёритиб берилди. Жумладан, энди “davlatdasturi.uz” онлайн платформаси орқали аҳоли давлат дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси билан батафсил танишиши, шунингдек, тегишли йўналиш ва унда белгиланган ишлар ижроси юзасидан ўз фикр, таклиф ва эътирозларини билдириши мумкин.



ПИЛЛАЧИЛИК

“КУМУШ ТОЛА” ЯРАТУВЧИЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ПИЛЛАКОРЛАР МАВЖУД ИМКОНияТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНМОҚДА

Бугунги кунда Ўзбекистон пилла етиштириш ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Хитой ва Ҳиндистондан кейинги ўринда туради. Мамлакатимизда соҳани ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳамда яратилган имкониятлар туфайли пилла етиштириш ҳажми ҳам, мазкур йўналишда фаолият юритувчи корхоналар сони ҳам тобора ортиб бораётган. Қолаверса, тармоқда кластер усулида иш юритилаётгани яхши самара берапти.



Юртимизда айни пайтда пилла топшириш жараёни кечмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг Бериуний тумани пиллакорлари бу борада фаол. Туманда 2019 йилда ипакчилик кластери ташкил этилган бўлиб, бу ерда жорий йилдан бошлаб етиштирилган пиллани қайта ишлаш йўлга қўйилди.

— Туманимизда пиллачилик тўлиқ кластер шаклига ўтказилган, — дейди “Бериуний агропилла” масъулияти чекланган жамияти раиси Муҳаббат Аннамуродова. — Ҳозир пилла қабул қилиш жараёнида режадан ортиқ ҳар бир килограмм пилла учун 30 минг сўм тўланмоқда. Шунингдек, давлат томонидан бир килограмм пиллага 5 минг сўмдан субсидия берилади. 37 йилдан буён шу соҳада ишлаётган мутахассис сифатида бугун тизимнинг иш услуби тубдан ўзгарганини айтишим мумкин. Масалан, “Яшил макон” доирасида қилинаётган

ишлар биз, пиллакорларга янги имкониятлар берди. Яъни барча корхона-ташкилотлар тут қўчатлари эккани озуқа базамизни кенгайтди.

Туманда жорий йилда 2135 пиллакорга 2709 қўти пилла қурти тарқатилди. Режа эса 154 тонна. Абай, “Саркоп”, “Дўстлик” овул фуқаролар йиғини ва Оразбой Жуманиёзов маҳалласи пиллакорлари туманда биринчилар қаторида пилла топширди.

— Эллик йилдан бери қурт боқаман, — дейди Гулнора Аллабергенова. — Ҳар йили шартномани биринчилардан бўлиб бажарамиз. Ипак қурти тозалик-

ни, озодаликни яхши кўради ва сизни ҳам шунга ўргатади.

Эллиқалға туманида ҳам илк пилла ҳосили йиғиш авжида. Туманда жорий йилда 1450 та касаначи ва фермер хўжалиги билан шартнома тузилган бўлиб, уларга 2840 қўти ипак қурти тарқатилди. Пиллакорлари 162 тонна пилла ҳосили топширишни режа қилмоқда.

Амударё туманида баҳорги ипак қурти боқиш мавсумига 237 тонна хомашё етиштириш мақсад қилинган. “JAYHUN SILK” МЧЖ томонидан 4163 қўти ипак қурти уруғи етказиб берилган.

Корхона томонидан 2021 йил баҳор ва куз мавсумида тут плантациялари ораларига, фермер хўжаликлари далалари четларига 674,8 минг туп тут ниҳоли экилди.

Умуман олганда, Қорақалпоғистонда ташкил этилган 4 та кластер барча туманлардаги 1096 та фермер хўжалиги ва 6974 та касаначи билан 801 тонна пилла учун шартномалар тузган. Жорий йил режасига мувофиқ, баҳор ва куз мавсумида 6 630 000 туп тут қўчати экилади.

**МИНАЖАТДИН
ҚУТЛИМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Ўзбекистон минтақа давлатлари орасида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласига энг кўп эътибор қаратмоқда

Германиянинг “International” журналида таниқли сиёсатшунос Хуберт Тиликенинг Ўзбекистон томонидан Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган “Афғонистон — кейин нима бўлади?” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Муаллиф Ўзбекистон минтақа давлатлари орасида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласига энг кўп эътибор қаратётгани ҳақида сўз юритган. Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташки сиёсий ислохотлари натижаларидан биридир. Тошкентда бутун минтақа, жумладан, Афғонистондаги вазиятни таҳлил қилишга ихтисослашган Марказий Осиё халқаро институтининг ташкил этилгани бу каби ташаббуслар амалий асосга эга эканини кўрсатмоқда, деб фикр юритади муаллиф.

Расмий Тошкент Афғонистонга муаммолар ва хавф-хатар манбаи сифатида эмас, балки минтақаларо янги лойиҳалар учун қулай имконият сифатида қараши таъкидланган.

“Ўзбекистон минтақавий иқтисодий жараёнларга қобулни фаол жалб этишни ҳам ўз ичига олган стратегиядан манфаатдордир”, дейилади мақолада.

Материалда Амударё бўйида жойлашган чегара шаҳри — Термиз

Афғонистон билан ҳамкорлик қилиш учун ҳамиша алоҳида мавқега эга бўлгани қайд этилган. “Бугунги кунда ҳам Термиз Афғонистонга ёрдам кўрсатиш учун муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейилади нашрда. — Мазкур шаҳар ва “Термиз-Ҳайратон” чегара ўтказиш пункти ўртасида қурилган логистика мажмуаси Ўзбекистондан Афғонистон орқали Покистонга ўтадиган транспорт йўлагига ҳам муҳим ўрин тутди”.

Муаллиф Термиз шаҳри Ўзбекистоннинг жанубий қўшнисига нисбатан прагматик ва изчил ёндашувини ўзида муҳассас этган, деб фикр юритади. “Афғонистонга озиқ-овқат етказиб беришдан тортиб афғон фуқароларини ўқитишга бугун ёрдам кўрсатилмоқда, янги ҳукумат билан иқтисодий ва сиёсий алоқалар ривожлантирилмоқда”, деб хулоса қилади Хуберт Тилике.

**ЛУТФУЛЛА СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**“Дунё” АА
Берлин**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

УЛУГВОР ҚУДРАТ ЖЎШҚИНЛИГИ

ИЖТИМОЙ ТАФАККУР ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС УНСУРЛАРИДА ЖИЛОЛАНАДИ



Азамат МУХТОРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети кафедра mudiri,
профессор

Бошланиш 1-бетда

Хар бир давр, танланган йул мамлакат тараққиёти учун муҳим ҳисобланиши билан бир қаторда, муайян устувор вазифа ҳамда концепцияларни илгари суриши билан ажралиб туради. Жаҳон тажрибасида АҚШни “буюк турғунлик” ҳолатидан кутқарган Д.Рузвельт, мамлакат учун энг оғир давр Иккинчи жаҳон урушида миллат бирлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлаган Англия Бош вазири У.Черчилль, француз халқи ифтихори Ш.де Голль, Ҳиндистон миллий гурури, тинчлик маданияти асосчиси М.Ганди, “Хитой муъжизаси” асосчиси ва халқини дунёга танитган ислохотчи Д.Сяопин каби сиёсий етакчилар инсоният цивилизацияси ва тарихида муҳим ўрин тутгани, улкан бунёдкорлик ислохотлари раҳнамоси бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

2017 йилдан Ўзбекистонда ҳам катта сиёсий эврилиш даври бошланди. Катта сиёсатда “Янги Ўзбекистон руҳи” номини олган бу юксалиш даври Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқпарвар давлат қуриш йўлидаги нуктадон сиёсати, қатъий иродаси ва мустаҳкам позицияси билан кучли характер касб этади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда оламшумул аҳамиятга молик ўзгаришлар рўй бермоқда. Биргина таълим-тарбия тизимини оилалик мустақиллик йилларида 67 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда улар 160 тани ташкил этмоқда. Бугун Ўзбекистондаги ОТМларда 800 мингдан зиёд талаба тахсил оляпти. Илгари фарзанди бирор институтга кирса-ю, бир амаллаб ўқитиш илминикида юрган ота-оналар энди ўғил-қизи бирданига икки-учта, ҳатто нуфузли хорижий олийгоҳ талабаси бўлаётганидан боши кўйка етган.

Юртимиз келажаги ёшлар қўлида эканини ҳисобга олган ҳолда, мактабча ва мактаб таълимига катта маблағ йўналтирила бошланди. Давлат-хусусий шериклик асосидаги таълим шаклига кенг рухсат берилди. Президент мактаблари, иход мактаблари ва ихтисослашган мактаблар мамлакатдаги таълим сифатига намуна сифатида бўй кўрсатди. Энг муҳими, ўқитувчининг нуфузи юксалди.

Олий таълимга қамров даражаси 10 фоиздан 33 фоизга ошди. Яқин йилларда бу қамровни 60 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Бугун мамлакатдаги халқчил ислохотларни ўзида мужжасам этган Мўйноқ ва Сардобадаги ўзгаришлар ҳақида ҳам қанча гапирсак оз. Айниқса, Жizzах вилояти Дустилик туманидаги Манас қишлоғида қисқа муддатда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари таҳсинга сазовор бўлди. Буну қўрган қўшни мамлакатлар халқи ҳам ҳавасини яширмади. “Бўлар экан-ку”, демоқда одамлар.

Атиги бир ярим ойда ушбу қишлоқ мутлақо замонавий қиёфа касб этди. Энг муҳими, аҳоли

кайфияти, турмуш даражаси, дунёқараши ва ҳаётга муносабати ўзгариб, эртанги кунга мустаҳкам ишонч пайдо бўлди.

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Ховособод қишлоғи ҳам ҳавас қилса арзийдиган ҳудудга айлантирилди. Таъкидлаш жоизки, “Обод қишлоқ” дастурини бажариш учун зарур бўладиган молиявий ресурсларнинг 80 фоизи давлат бюджетидан, давлат корхоналари маблағлари ва улар жалб қиладиган хорижий кредитлар ҳисобидан таъминланмоқда. Қолган 20 фоизи эса тадбиркорларнинг ўзига тегишли бозор инфратузилмаси объектиларига сарфланадиган маблағлар ва банк кредитларидан иборат.

Статистик таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш борасида ўз вақтида қўрилган чоралар ҳамда сўнгги йилларда олиб борилган ислохотлар натижасида ялли ички маҳсулот ўсишига эришилди. Жумладан, савдо айланмаси ҳажми ҳам сезиларли ошди.

Табиийки, бу натижага эришишда аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш йўналишида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Иш билан банд бўлмаган 90,2 минг фуқаро касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитилди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 28,6 минг ишсиз фуқарога 58,9 миллиард сўм субсидия ажратилди. “Ёшлар дафтари”га киритилган ийигит-қизларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш ҳамда миллий сертификатлар олиши учун ўтказиладиган имтиҳон харажатларининг бир қисmini қўллаб бериш бўйича давлат хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди.

Утган йиллар мобайнида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янада жадаллаштириш бўйича ҳам тизимли ишлар қилинди. Жумладан, 82 та қишлоқ врачлик пункти ва 19 та оилавий поликлиника ташкил этилди. Шу билан бирга, телифебейт орқали 46 мингдан ортиқ беморга таълим қўйилиб, маслаҳат берилди. Ихтисослашган марказлар ходимлари 855 мартаба ҳудудларга чиқиб, 413 мингдан ортиқ кўрик ва мингдан зиёд юқори технологик операция ўтказди.

Қолаверса, бирламчи тиббиёт бўғинини яхшилашга эътибор қаратилиб, ҳар бир маҳаллада “хонадонбай” ишлайдиган тиббий бригадалар ташкил этилди. Утган йилдан бошлаб аҳолини 66 турдаги дори-дармон билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Бугунги кунда одамлар шамоллаш, қон босими, юрак хуружи, қандли диабет, ошқозон ва нафас йўллари касалликларини даволаш учун энг зарур дориларни оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникадан олмақда.

Хукумат тақдим этган ҳисоботга кўра, юртимизда энергетика соҳасидаги ислохотлар, қайта тикланувчи энергия манбалари жаҳоннинг синовдан утган тажрибалари асосида жорий этиб келинмоқда. Биргина 2021 йил ёзида Навоий вилоятида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши якунланиб, ишга туширилди. Умуман олганда, таҳлиллар ва мавжуд имкониятлар Ўзбекистонда қуёш станцияларини қуриш орқали жами 600 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти борлигини кўрсатади. Шу боис, хорижий инвесторлар жалб этилиб, ҳозир 6 та қуёш электр станциясини қуриш учун тегишли лойиҳалар имзоланган ва ишлар бошланган.

Бундай истиқболли ислохотларнинг адоғи кўринмайди, албатта. Юқорида айтилган марралар ва муваффақиятлар замирида нафақат давлатимиз ва Президент томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, айни пайтда, халқимиз яқдиллиги, дахлдорлиги муштарак мақсад сари азму шиқоати мужжасам, десак муболага бўлмайди. Муҳими, давлатимиз раҳбари белгилаб берган ва халқни руҳлантирадиган куч — Учинчи Ренессанс чўққисига интилиш ва уни забт этиш.

Гапнинг индаллоси, Учинчи Ренессанс ҳодисаси мазмун-моҳиятини тушуниб етиш, лозим бўлса, олиму мутахассислар томонидан мезон ва

66 ИШ БИЛАН БАНД БЎЛМАГАН 90,2 МИНГ ФУҚАРО КАСБ-ҲУНАРГА ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЎҚИТИЛДИ. “ТЕМИР ДАФТАР”, “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ВА “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН 28,6 МИНГ ИШСИЗ ФУҚАРОГА 58,9 МИЛЛИАРД СЎМ СУБСИДИЯ АЖРАТИЛДИ. “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ИЙГИТ-ҚИЗЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ВА УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎҚИШИ ҲАМДА МИЛЛИЙ СЕРТИФИКАТЛАР ОЛИШИ УЧУН ЎТКАЗИЛАДИГАН ИМТИҲОН ХАРАЖАТЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИНИ ҚЎЛЛАБ БЕРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.



66 СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ХОВОС ТУМАНИДАГИ ХОВОСОБОД ҚИШЛОҒИ ҲАМ ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИГАН ҲУДУДГА АЙЛАНТИРИЛДИ. ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, “ОБОД ҚИШЛОҚ” ДАСТУРИНИ БАЖАРИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ 80 ФОИЗИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН, ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ МАБЛАҒЛАРИ ВА УЛАР ЖАЛБ ҚИЛАДИГАН ХОРИЖИЙ КРЕДИТЛАР ҲИСОБИДАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА.

тамоийллари аниқлаш, контур ва истиқболларини белгилаш орқали халқимизга олий мақсадни, хусусан, мақсад-муддаосини, аҳамиятини тушунириб, руҳлантириб бориш ҳар қачонгидан муҳим ва долзарбдир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун “Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда”.

Албатта, бу шунчаки хоҳиш-истак ёки ҳавойи гап эмас. Чукур уйланган ва тарихий илдизли жараён. Давлатимиз раҳбари 2020 йил Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу қутлуғ ҳодисанинг мустаҳкам замини ҳақида бундай деган эди:

“Биз кенг куламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чукур англаб олиши керак. Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўраимиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради”.

Ҳа, бу — бор гап. Шиддат билан ривожланаётган ҳаётимизда рўй бераётган юксалиш жараёнлари барча соҳаларда намоён бўлмоқда. Бинобарин, мустақилликка эришган йилларимизнинг илк даврида биз миллий ўзлгимизни англаш, бой тарихий-маънавий ҳамда илмий меросимиз асл мазмун-моҳияти мағзини қақиш ва уни руёбга чиқаришга интилган бўлсак, энди халқимиз жипслашиб “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини собитқадамлик билан амалга оширишга киришди.

Бу даврда жамиятимизда ижтимоий тафаккурнинг юксалиш тенденцияси қарор топиши, унга хос ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятлар мужжасмлиги эътироф этилмоқда. Миллий руҳ ва умуминсоний қадриятлар уйғун бўлган ижтимоий тафаккур — мамлакатимиз барқарор ривожланишининг ўзига хос хусусияти, мезон ва мустаҳкам пойдеворига айланмоқда. Юртимизда ижтимоий тафаккур даражасининг тобора ўсиши боис, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа жаҳбаларда меҳнат, соҳага ёндашув маданияти ҳамда масъулияти ўзгарди.

Айниқса, жамият ва тараққиёт локомитиви ҳисобланган фан соҳасига қаратилаётган алоҳида эътибор замирида чукур маъно бор. Фан, бу — тафаккур бўлиб, жамиятдаги барқарорлиқни таъминлаб берувчи устувор омиллардан бири. Фан ривожланар экан, нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий-маданий соҳа ҳам тараққий этади. Фанга эътибор инсон тафаккурини ўстириш ва улғайтиришга хизмат қиладди. Жамият тафаккури ўсса, маданият ва санъат соҳаси ҳам мана шу талабларга ҳамоҳанг улғаяди ва тараққий этади.

Давлатлар ва халқларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига таъсири кучайиши, маданий тасаввулар ўзгариши, цивилизациявий муносабатлар, анъаналар ва янгиликларнинг қисман қарама-қаршилиги, бир томондан, замонавийликка, иккинчи томондан, анъанавийликка интилиш, халқлар ва миллатлар маданияти, турмуш тарзининг бирхиллашиб бориши, шу билан бирга, миллий ўзлиқини англашга интилиш ва бошқа давримизнинг асосий ҳодисалари глобаллашув шароитида толерантликнинг объектив мазмунини ташкил этади.

Дунёдаги ҳар бир халқ ўзига хос ноёб ақлзаковатга эга тенгсиз ҳодисадир. Ундан дунё тараққиёти мақсадларида фойдаланишининг даражаси ҳар хил бўлиб қолмоқда. Ўзаро фикрлар, ўзига хос хусусиятларни инкор этмаган ҳолда, уларни устун қўйиш фалсафаси бир томонламадир. Улар бир-бирини бойитиши, ўзаро ҳамжиҳатлик,

ҳамкорлик орқали бир-бирига, дунё цивилизациясининг ривожига хизмат қилиши муҳим. Бу билан масалан, Шарқ ва Ғарб ўзига хослигини йўқотмайди, аксинча, уни сақлаб қолган ҳолда дунё маданиятини бойитилади.

Шундай экан, таъкидлаш жоизки, биз интилаётган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг мезон ва тамойиллари турт унсурда ўз ифодасини топади.

Биринчиси — миллий ғоя ва юксак маънавият уйғунлиги мезонига амал қилиш, яъни “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” тамойилининг жамият ҳаёти ва унинг барча қатламларида, аҳоли, миллат онгу тафаккурида ўз ифодасини топиши.

Бунда шарқона бағрикенглик, эзгу ният, меҳр-муруват, силаи раҳм кўрсатиш орқали, улғў бунёдкорлик йўлида халқимиз бир-бирини тушуниши ва англаши, кўтаринкилик руҳида истиқлол ва ислохотларни мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшиши назарда тутилди.

Иккинчиси — инсон манфаатлари ва қадр-қиммати устуворлигини назарда тутган ҳолда давлат ва жамият ҳаётида нимаики қилинса ёки амалга оширилса, энг аввал праг-



матик натижавий аҳамияти, яъни инсон, миллат, халқимиз қадр-қиммати амалда бўлишини таъминлаш.

Бу борада давлатимиз раҳбари “Халқимиз бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг натижаларини эртага эмас, бугун қўриши, баҳраманд бўлиши керак”, дегани бежиз эмас. Ёҳуд “Ҳар бир раҳбар ўз вазифасини сиқидилдан бажариб ўз аравасини ўзи тортиши керак, ана шунда ўзгариш, ривожланиш бўлади ва шунда биз раҳбарлар фаолиятдан халқ рози бўлса, Яратганнынги ўзи рози бўлади”, деган фикрларини келтириш уринили.

Учинчиси — инновацион ғоя ва ижтимоий капиталга эга бўлган иродали шахс ҳамда юксак технология имкониятларидан баҳоли қудрат фойдалана билиш.

Бунинг учун мамлакат ва ёшлар салоҳияти, миллий ва умумбашарий тамойиллар уйғунлиги орқали мақсадга эришиш лозимлигини кундалик ҳаётдаги сиёсат кўрсатади ва яратилаётган шарт-шароитлар биз қўзлаган мақсадга эришиш омилли ҳисобланади.

Тўртинчиси — ҳар бир фуқаро, халқнинг бир тану бир жон бўлиб, дахлдорлик ва масъуллик ҳиссини сезиши, яъни шу азиз Ватан ва унинг келажаги учун “мен масъулман” деган ғояни ҳаётий тамойилга айлантиришдан иборат.

Табиийки, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ўз-ўзидан амалга ошмайди ва бунинг учун давлат ва жамоат, нодавлат ташкилотлар, ҳуллас, барчаннинг мақсадли фаолиятида қуйидагилар ўз ифодасини топиши лозим бўлади:

— Қонунийлик. Бунда давлат тилида иш юритилишига амал қилишда қонунийлик тамойили муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларга барча давлат органлари, мансабдор ва бошқа шахсларнинг оғишмай амал қилиши тушунилади.

Қолаверса, қонунийлик демократия ва ҳуқуқий давлатнинг элементларидан бири сифатида, бу давлат тили амал қилишда тартиблилик ва ҳуқуқий тамойиллар устуворлигини таъминлайди. Соҳага оид барча жараёнлар Конституциямиз ва давлат тили қонун-қоидалари ва унинг меъёрларига мос бўлиши ҳамда унга қатъий риоя қилишни ифодалайди. Бунга ҳаётий мисол тарзида яқинда мутасадди шахслар давлат тилида иш юритишга амал қилмагани учун жарима тўлаш лозимлиги жорий этилганини кўрсатиш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, қонунийлик давлат тилида иш юритишда муҳим жиҳатдир;

— Тизимлилик. Бу мунтазамлилик, тадрижийлик ҳамда шарқона қадриятлар устуворлиги омилли саналади. Тизимлилик бизни хатопардан огохлантиради. Муаммога ёндашувда бир қатор омилларни ва турфа ёндашувларни ўзаро алоқадорлиқда кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатади;

— Тарихийлик. Бу давлат ва жамият ҳаётида ҳар бир тарихий давр у ёки бу соҳага алоқадор билим ва тажрибаларни эгаллашни тақозо этади. Тарих буюк мураббий, манбалар йиғиндиси, авлод ва аждодларимиз томонидан яратилган, ўзлаштирилган жамики билимлар манбаидир. Ушбу тамойил жараёнлар, қарашлар ворисийлигини, кетма-кетлигини таъминлайди. Шу маънода, ўтган аллоамларимизнинг миллий давлатчилик ривожига тўғрисидаги билим ва тажрибаларини бугунги кун воқелиги нуктаи назаридан ўрганиш ва соҳага татбиқ этиш ижобий натижасини беради;


— Миллийлик ва умуминсонийлик. Бу тамойил соҳага алоқадор миллий тажриба билан

бирга, умуминсонийлик ва унга хос хусусиятлар, ундаги умумийлик, хусусийликнинг ўзига хос тақорланмаслик жиҳатлари фарқланади. Ҳар бир миллат ўзига хос урф-одат анъаналари, тили ва дини билан фарқланади, унда ўзига хос руҳият, характер намоён бўлади. Умуминсонийлик бутун дунё давлатлари ва уларга хос умумий хусусиятлар ҳисобланиб, глобаллашув жараёни билан уйғун кечади ва бу ҳолат давлат тилида иш юритишда ўзининг ижобий қирраларига эга;

— Назария ва амалиёт уйғунлиги. Бунга хос жиҳат шу билан белгиланадики, соҳага оид, энг аввало, назарий билимлар мажмуаси бўлиши лозим. Бу қарашлар, таълимотлар, ғоялар, инновациялар ва турфа билимлар уйғунлигини ташкил этади. Аслида назария билимнинг бирор соҳасига оид асосий ғоялар тизими, воқелик қонуниятлари ва ундаги муҳим алоқалар ҳақида бир бутун тасаввур берадиган билим шакли. Назария ҳамма вақт амалиёт билан узвий боғлиқ бўлади, шундагина у ҳаракат ва ривожланиш қуролига айланади. Амалиёт, таъкидлаш жоизки, бу — барча босқичларда билишнинг шаклланиш ва ривожланиш неғизи, билим манбаи, билиш жараёни натижалари ҳақиқийлиги мезони. Назарий билимлар ўзининг турғи ва ҳақиқийлигини амалиётда кўрсатади ва унга амал қилинади.

Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистондаги бугунги ислохотлар халқимиз дунёқарашини ўзгартариш асосида инсоният тарихига дахлдор, таҳликали оламда адолатли жамият тузишга қаратилгани билан ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бунда улугвор қудрат жўшқинлигини сезиш эса ҳар биримизга куч-ғайрат бағишлайди.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА



Воҳиджон АҲМАДЖОНОВ,
“Ўзбекидроэнерго” АЖ
бошқаруви раиси ўринбосари

ИҚТИСОДИЁТНИНГ
АСОСИЙ ҚУВВАТ МАНБАИ

Бошланиш 1-бетда

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 30 ноябрь кунги гидроэнергетика соҳасидаги лойиҳалар билан танишиш чоғида таъкидлаганидек, юртимизнинг бу соҳадаги салоҳияти 50 фоиз ишга солинган, холос. Шу боис, жами 740 мегаватт қувватли 21 та янги йирик лойиҳа ишлаб чиқилди. Хусусан, 2022 йилда 173 мегаваттли 7 та, 2023-2024 йилларда 157,6 мегаваттли 11 та ҳамда 2025-2026 йилларда 458 мегаваттли 6 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Лойиҳаларнинг 5 таси узунлиги 73 километр бўлган Пском дарёсида қурилиши мўлжалланаяпти. Уларнинг умумий қуввати 1 минг 320 МВт ва йиллик ўртача ишлаб чиқариш салоҳияти 3 минг 140 миллион кВт/соат бўлиши кўзда тутилган.

Ушбу лойиҳалар ичида энг йириги Пском ГЭСи ҳисобланади. Бу ишоот Тошкентдан 120 километр шимоли-шарқда, Чорвоқ сув омборидан 45 километр юқорида жойлашган бўлиб, электр энергия имконияти 400 МВт ни ташкил этади. Ўз навбатида, у салоҳият жиҳатдан Чорвоқ ГЭСдан кейинги иккинчи ўринни эгаллашани англатади. Лойиҳага кўра, йилга 950 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Пском Майдонтол ва Ойғай дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. У кенг дарада паласха ва харсанг тошлар орасида ҳайқариб тез оқадиغان тоғ дарёси. Унинг гидро қувватидан фойдаланиш масаласи ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида кўтарилган, дастлабки техник-иқтисодий асослар ҳам ишлаб чиқилган. Лекин гидроиншоотлар қуришга молиявий қувват етишмай келган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 октябрдаги ва 2018 йил 22 ноябрдаги йиғилиш баённомаларига асосан, лойиҳа қидирув-тадқиқот ишлари “Тидропроект” АЖ томонидан олиб борилади. Бу жараёнга маҳаллий ва хорижий ташилотларнинг малакали мутахассислари ҳам жалб этилди. Жумладан, лойиҳанинг геологик асосномаси ва қидирув материаллари Россиянинг “Ленгидропроект” АЖ томонидан қайта тадқиқ этилди. “Б.Е.Веденева номидаги ВНИИГ” АЖнинг лабораториясида тупроқ намуналари уч ўқли сиқиш қурилмаларида синовдан ўтказилди. “Ингеопроект” МЧЖ дарё тубида бурғилаш ишларини ўтказди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, Пском ГЭСини қуриш инвестиция лойиҳаси доирасида қабул қилинган техник ечимлар бўйича “Tractebel Engineering GmbH.” (Германия) халқаро инжиниринг компаниясининг ҳулосаси олинди. Чунки барпо этиладиган ишоот ҳар жиҳатдан мустаҳкам ва хавфсиз бўлиши зарур. Лойиҳа бўйича Пском сув омборининг тўла ҳажми 511,2 миллион куб метрни ташкил қилади. Бу ерда ГЭС қурилиши мамлакатимизда ёнигли-энергетика ресурсларининг самарали иқтисод қилинишига ҳисса қўшиб, йилга 300 минг тонна шартли ёнигли ўрнини ёки 250 миллион куб метр табиий газни тежашга замин яратяди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни изчил амалга ошириш ва янги қувватларни ишга тушириш мақсадида Президентимизнинг 2021 йил 4 октябрдаги “Тошкент вилоти Бўстонлик тумани Пском дарёсида Пском ГЭСни қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, умумий қиймати 799,6 миллион долларга тенг инвестиция маблағларини ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, белгиланган ишлар ҳажми ва ишоотнинг технологик мураккаблигидан келиб чиқиб, уни икки босқичда амалга ошириш кўзда тутилган.

Биринчи босқич бўйича 2018-2021 йиллар мобайнида 412 миллион долларга тенг бўлган гидротехника иншоотлари, ерости сув ўтказувчи туннеллар, ГЭС биноси ва 260 километр узунликдаги электр энергиясини узатиш тармоқлари ҳамда инфратузилма объектларини барпо этиш белгиланди. Шунингдек, биринчи ярус сув қабул қилиш объекти, узунлиги 1 минг 288 метр бўлган сув ўтказувчи ҳамда 1-2-агрегатларни обихаёт билан таъминловчи 285 метрик ер ости туннеллари, 2 дона бошқариш ҳамда дарёга сув ташлаш иншоотлари қуриб битказилди. Улар учун гидромеханик ускуналар Россия Федерациясининг “Энергосила” МЧЖ томонидан етказилиб берилган бўлса, зарурий металл маҳсулотлари “Ўзбекидроэнерго” АЖ тизимидаги “Сувсаноат-маш” АЖ томонидан тайёрланди.

Лойиҳа доирасида узунлиги 46 километр бўлган ички йўллар, 7 дона инфратузилма объекти, шунингдек, электр узатиш тармоғи, дарёнинг чап қирғоғида сув ўтказиш ер ости туннели қурилди. Ишчи-мутахассислар учун 80 ўринли 2 қаватли ётоқхона, 10 дона кotteж қуриб битказилди. Қурилишда иштирок этаётган маҳаллий ҳамда хорижий экспертлар учун муносиб иш шaroитлари яратилган бўлиб, барча зарур ва замонавий техникалар билан таъминланган. Объектга ҳозирги кунда 500 дан ортиқ машина-механизмлар жалб этилган, иш туну кун олиб борилапти.

2018-2021 йиллар давомида 91,3 миллион долларга тенг маблағлар ўзлаштирилди. Айни пайтда 1,06 миллион долларга тенг 2 дона ички босишда ишлайдиган вақтинчалик ишчи ғилдиракларни ўрнатиш ҳисобига 401,5 миллион кВт соат электр энергиясини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Иккинчи босқич, яъни 2022-2026 йиллар мобайнида 387,6 миллион долларга тенг бўлган тўғон қурилиши режалаштирилган ва пироваврида, йилга қарийб 950 миллион кВт соат электр қуввати ҳосил қилишга эришилади.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида ўтган йил ноябрь ойи охирида тўғоннинг юқори сув тўсиш объекти қурилишини бошлаш учун оқим берктирилиб, биринчи ярус сув қабул қилиш иншооти орқали яна дарёга йўналтирилди. Натижада сув омборининг бирламчи босқичида обихаёт тўллаш имконияти пайдо бўлди.


Республикаимиздаги гидротехника иншоотлари қурилиши тарихида илк бор соҳада хавфсизлик нуктаи назаридан қуриш чидатлиликка эга филтратция сувларига қарши синтетик маҳсулот ҳисобланувчи Италиянинг “CARPI” компанияси-нинг SIBELON® CNT 5900 UV геокөмпозит гидроизоляция маҳсулоти кенг қўлланилмоқда. Мазкур геокөмпозит гидроизоляция маҳсулоти тўғоннинг юқори сув тўсиш иншоотидаги филтратция жараёналарининг олдини олишга хизмат қилади. Амалий синов жараёни шуни кўрсатдики, 40-80 миллиметр ҳажмдаги қиррали тошлар устидан мазкур геокөмпозит ётқизилиб, устидан 80-85 тонна юк орттилган техника юргизилганда ҳам маҳсулот сифатига ҳеч қандай таъсир сезилмади, бирор жойида тешилиш ёки ситилиш ҳолати кузатилмади. Шу боис, тўғон мазкур материал билан қоплаб чиқилди.

Ишоотдаги сув сатҳини доимий равишда кузатиб бориш, сел ва тошқин таъсирида унинг кескин кўтарилишининг олдини олиш мақсадида тўғоннинг зарур қисмларига махсус электрон датчиклар ўрнатирилган. “Онлайн” режимида мониторинг ва кузатувлар йўлга қўйилган. Сув дарвозаларини бошқариш иншооти биносидидаги барча қурилмалар автоматик тизим асосида бошқариб борилади.

Эътиборли жиҳати, тўғоннинг юқори сув тўсиш иншоотида олиб борилган қурилиш ишлари тўфайли бугунги кунда сув сатҳи 1007 белгига кўтарилди. Объектда мавжуд гидротехник иншоотларни хавфсиз ишлатилишини таъминлаш бўйича сел-тошқин сувларини беталафот ўтказиш чораларини кўриш, сув ҳисоб-китобини замонавий технологиялар асосида мониторинг қилиш, назорат-ўлчов қурилмаларининг қузатув натижаларини таҳлил этиб бориш мақсадида эксплуатация гуруҳи тузилган.

Пском ГЭСи ноёб ва мураккаб лойиҳа. Унинг геологик қидирув ишларининг ўзига 2,5-3 йил сарфланиши бежиз эмас. Чорвоқ сув омбори тўғони 167 метр, Тўпаланг тўғони 187 метр, Пском сув омбори тўғони эса 200 метр бўлади ва жаҳоннинг энг йирик тўғонлари ўнгаллигига кирди.

Ишоотнинг қурилиш ишлари қатъий режа асосида давом этапти ва 2026 йилда тўлиқ фойдаланишга толширилади. Бунинг натижасида Тошкент вилотидаги сув захираларининг салоҳияти ва самарадорлиги ошиши, хонадонларнинг янада нурафшон бўлиши, барқдор энергетик муҳит, ҳудудлар инфратузилмаси ривожланишига мустаҳкам замин яратилади. Шу билан бирга, мазкур лойиҳанинг амалдаги ихроси мамлакатимизда мавжуд сув омборларини қуриш ва модернизация қилишда катта тажриба мактаби вазифасини ўтади. Янги технология ва инновациялардан самарали фойдаланишининг маҳсули сифатида намуна бўлади.



БУГУННИНГ ГАПИ

ЯНГИ ТИЗИМ
ФЕРМЕР ВА КЛАСТЕРЛАРГА МАКТАБ, ҲОКИМЛАРГА ЭСА
СИНОВ БЎЛАДИ

Биржа — шаффоф бозор инфратузилмаларидан бири. Талаб ва таклиф, соф рақобат, котировка, замонавий ахборот технологиялари унинг фаолияти моҳияти ва таркибини белгилайди. Биржа савдоларини ташкил этиш ва иштирок этишдан барча бирдай манфаатдор бўлади. Чунки бу жараёнда нархлар фақат талаб ва таклиф асосида шаклланади.

Бу, ўз навбатида, тадбиркорларнинг товар ресурсларидан эркин фойдаланиш имкониятлари кенгайиши, соғлом рақобат ривожланишига хизмат қилади. Яна бир муҳим жиҳати, тузилган битимлар бажарилиши кафолатланади ва бу иштирокчилар шартномавий интизомини мустаҳкамлайди.

Биржалар савдога қўйиладиган товар ва объектларга қараб турларга бўлинади. Валюта биржасида пул, фонда қимматли қозғалар асосий ўрин турса, товар биржасида хомашё ва маҳсулотлар унинг муҳим объектдир.

Мамлакатимизда биржалар тарихи ўтган асрнинг 90-йиллари бошига бориб тақалади. 1994 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” акциядорлик жамияти айни пайтга келиб, Марказий Осиёдаги энг йирик, МДҲ мамлакатлари ичида етакчи хомашё савдо майдончаларидан бирига айланди.

СОҒЛОМ РАҚОБАТ
ПЛАТФОРМАЛАРИ

Президентимиз раислигида товар-хомашё биржасида савдоларни ва унда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, сўнгги уч йилда тўғоннинг биржа савдо айланмаси 2 баробар ўсиб, 90 триллион сўмга етган, сотиладиган товарлар сони эса 3 баробардан зиёдга

талабни тўлақонли қондириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда ушбу маҳсулотни импорт қилиш масаланинг ижобий ечимларидан бири, баъзида эса ягона йўли ҳисобланади.

Маҳаллий тадбиркорларимиз ушбу йўналишда ҳам биржада яратилган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб келяпти. Айни пайтда биржанинг халқаро савдо тармоғи турли мамлакатларда фаолият юритаётган 20 та хорижий савдо майдончасидан иборат бўлиб, улар орқали ортиқча сарсонгар-чиликларсиз экспорт-импорт операциялари муваффақиятли амалга ошириляпти. Жорий йилнинг 4 ойида бу майдончалар ёрдамида



170 миллион долларлик маҳсулот сотилди. Шу билан бирга, 1 минг 200 дан ортиқ хорижий компания биржамизга катта ҳажмда ўз маҳсулотларини қўйишни бошлади.

Бунинг ўтган ҳафтада Жиззаҳда озиқ-овқат маҳсулотларини Ўзбекистонга биржа механизми орқали етказиб бериш мавзусига бағишланган амалий семинар ҳам яна

“ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАИСЛИГИДА ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИДА САВДОЛАРНИ ВА УНДА МАҲАЛЛИЙ КОРХОНАЛАР ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИДА ҚАЙД ЭТИЛГАНДЕК, СЎНГГИ УЧ ЙИЛДА ЮРТИМИЗДА БИРЖА САВДО АЙЛАНМАСИ 2 БАРОБАР ЎСИБ, 90 ТРИЛЛИОН СЎМГА ЕТГАН, СОТИЛАДИГАН ТОВАРЛАР СОНИ ЭСА 3 БАРОБАРДАН ЗИЁДГА КЎТАЙЛАН. 2019 ЙИЛДА 200 ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ СЌТУВГА ҚЎЙИЛГАН БЎЛСА, БУГУНГИ КУНДА УЛАР СЌНИ 627 ТАГА ЕТДИ.

кўпайган. 2019 йилда 200 турдаги маҳсулот сотувга қўйилган бўлса, бугунги кунда улар сони 627 тага етди.

— Товар бозорларида нархларни мўътадил ва барқдор ушлаб туришининг энг самарали усули бозор воситалари ҳамда механизмларидан фойдаланиш ҳисобланади, — дейди “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” АЖ бошқаруви раиси Зиёвуддин Бадриддинов. — Биржа савдолари эса мана шу вазифаларни ўз зиммасига олади. Биргина ўтган ҳафта давомида, яъни 9-15 май кунлари биржамизнинг барча савдо платформаларида 2 548,8 миллиард сўмлик товарлар сотилди. Бу аввалги ҳафтадагига нисбатан 46 фоиз кўп. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 676,2 миллиард сўмни ташкил қилди. Давлат харидлари тизимларида ўтказилган электрон савдолар натижасида бюджет ва корпоратив бюрут-мачиларнинг қарийб 93,5 миллиард сўм маблағи тежалди. Бинобарин, ўтган йил йирик ишлаб қўйарувчи корхоналар биржадаги очик-ошқора савдолар ҳисобига 8 триллион сўм қўшимча даромад қилди.

Республика товар-хомашё биржасида миллий ва хорижий компанияларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган юқори ликвидли товар активлари, жумладан, қора ва рангли металллар, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, шаклар, ун, дон ва бошқа товарларнинг олди-сотдиси амалга оширилади. Айрим вазиятларда мамлакатда ички ишлаб чиқариш салоҳияти ўсиб бораётган

БАРЧА
ИМКОНИЯТЛАР
ИШГА
СОЛИНЯПТИМИ?

Президентимиз ҳузуридаги йиғилишда биржа савдоларини ташкил этиш, маҳаллий тадбиркорларнинг иштирокини кенгайтириш борасида муаммолар мавжудлигига ва уларни ҳал этиш масалаларига эътибор қаратилди. Негаки, биржа савдола-



рининг 85 фоизини 45 турдаги юқори ликвидли товарлар ташкил этмоқда. Жиззах, Навоий, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида биржа савдолари анча фаоллашгани ҳолда Сирдарё, Андижон ва Сурхондарёдаги корхоналарнинг биржа савдоларидаги иштироки пастлигича қолмоқда. Зангиота туманида 37, Кармана 24, Данғара ва Жомбой 17 турдаги маҳсулот биржага чиқарган бўлса, Андижон, Нурота, Қизилқум, Бобўт туманларида атиги 1 турдаги маҳсулот қўйилмоқда.

Шу муносабат билан мутасадди-ларга маҳаллий маҳсулотларни биржага олиб чиқишни туман даража-сида тушириш бўйича тизим яратиш вазифаси қўйилди.

— Мисол учун, 1 июлдан фермер ва кластерлар 500 минг тонна ғалла-ни биржа орқали сотади. Бу фермер-лар учун 2 триллион сўм қўшимча даромад дегани. Лекин туман ҳоким-ларида фермер маҳсулотини биржа-га қандай олиб чиқиши, бу борада кимга мурожаат қилиши, яъни ишни қандай ташкил этиши бўйича аниқ режалар борми? Бу савола бирорта ҳокимда ижобий жавоб йўқ, — деди Президентимиз ва янги тизимнинг асосий йўналишларини белгиллаб берди.

Янги тизим бўйича ғалла етишти-рувчи фермер ва кластерларнинг бўғдойни биржага олиб чиқишининг ойма-ой режаси ишлаб чиқилади. Уларнинг биржада рўйхатдан ўтиши ташкиллаштирилиб, Савдо-саноат палатаси туман бўлимида биржа савдо майдончаси ташкил этилади.

Айни кунда ғаллачилик соҳаси-да қутилаётган янгиликларнинг маз-мун-моҳияти ва биржа савдоларида иштирок этиш тартиблари тушунтириш мақсадида барча ҳудудларда Ўзбеки-стон республика товар-хомашё биржа-си томонидан фермер ва кластерлар учун махсус ўқув семинарлар ўткази-ляпти. Уларда мижозларни биржада рўйхатдан ўтиш, брокерлик хизматла-ридан фойдаланиш ва маҳсулотларни савдоларга қўйиш қондалари ўргати-ляпти. Фермер ҳўжаликлари ва кластер раҳбарлари мамлакатимизнинг ҳар бир туманидаги савдо майдончалари фаолияти билан танишишлари бора-барда уларни аккредитациядан ўткази-ш жараёналари ҳам амалга оширил-молмоқда.

— Вилотимиздаги 13 та тумanning 4 минг 530 дан ортиқ фермер ҳўжали-гида ғалла етиштирилади, — дейди “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” АЖнинг Самарқанд ҳудудий филиали раҳбари Жўрабек Мақсудов. — Айни пайтда 11 та ту-мандаги барча фермер ҳўжаликлари ва кластер раҳбарлари билан учра-шиб, ўқув семинарлари ўтказдик. Шу пайтгача 4300 дан зиёд фермер

ҳўжалигининг биржадан рўйхатдан ўтиши таъминланди. Бу жараён шу ҳафта охирига бориб якунига етади.

Биржамизнинг бугунги мавжуд электрон инфратузилмаси унинг савдоларида иштирок этишга чоғланаётган фермер ҳўжаликлари ва кластерларга ҳам, тадбиркорлик субъектларига ҳам замонавий хиз-мат кўрсатишни тўла таъминлай олади. Маҳаллий маҳсулотларни савдоларга чиқариш тартиби содда-лаштирилади, жумладан, 1 июлдан



биржада алоҳида истиқболли товар-лар секцияси ташкил этилиб, маҳал-лий тадбиркорларнинг ишлаб чиқар-ган маҳсулоти ортиқча ҳужжатларсиз сотилиши йўлга қўйилади. Энг яхши сотилган товарлар кейинчалик бир-жанинг асосий савдо платформа-ларида жойлаштирилади. Тадбир-корлар давлат рўйхатидан ўтиши билан бир вақтда биржада ҳам ҳи-собга олиш тартиби жорий этилади. Уларнинг маҳсулотлари учун биржа тўловлари 2 баравар қисқартирилиб, фермерларга бугдойни биржага қўй-ганда гаров талаб этилмайди. Со-тилган маҳсулотга биржа томонидан бир кунда тўлов амалга оширилади. Бунда фермерга тўловлар ўз вақти-да ва тўлиқ келиб тушишини кафо-латлаймиз.

Қутилаётган ўзгаришлар бозор-нинг профессионал иштирокчилари, яъни брокер ва трейдерлар сонини кўпайтиришни тақозо этади. Хусу-сан, Самарқанд вилотида айни кун-да 62 та брокерлик идораси бўлиб, уларда 227 нафар трейдер фаолият кўрсатаётган бўлса, яқин истиқболда қарийб яна шунча трейдерга эҳтиёж бўлиши мумкин. Шу боис, бу йўна-лишдаги мутахассисларни тайёрлаш ва ўқитишга алоҳида эътибор қара-тилмоқда.

Фермер, кластер ва бошқа савдо иштирокчиларини биржа савдолари ва брокерлик касбига ўқитиш бўйича доимий ўқув курслари йўлга қўйила-ди. Бунда махсус яратилган савдо симуляторларидан фойдаланилади ва малакали мутахассислар жалб қилинади. Бу борада вилотимиз олий ўқув юртлари билан ҳам бево-сита ҳамкорликда иш олиб боришни режалаштирялмиз.

Йиғилишда йил якунига қадар Ўзбекистон республика товар-хомашё биржасидаги товар айланмаси-ни 2 баробар ошириш вазифаси қў-йилди. Президентимиз ҳудудларнинг биржа савдоларидаги иштирокини кенгайтириш бўйича ҳокимларнинг иш режаси билан танишиб чиқиб, ҳали ақсарияти масаланинг ичига кирмаган, биржа нималигини бил-майдиган туман ҳокимлари ҳам бор-лигини қайд этар экан, улар зимма-сига тадбиркорлар билан учрашиб, ишлаб чиқариш қувватларини тах-лил қилиш, аниқ тур ва микдордаги маҳсулотларни биржага олиб чиқи-шга қаратилган ишларни фаоллашти-ришни юқлади.

Янги тизимни татбиқ этиш бўйича олдинда турган ва қисқа вақтда ба-жариладиган ишлар кўлами катта. Давлатимиз раҳбари таъкидлагани-дек, бу фермер ва кластерларга мак-таб, ҳокимларга эса синов бўлади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

ИЛМ-ФАН

ОРОЛБЎЙИДАГИ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР
ҚАТОР АМАЛИЙ ЛОЙИХАЛАР
УЧУН ҲАМ АСОС БЎЛАДИ



Қаҳрамон ДАВРОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар
академияси
Микробиология институти
директори

Мамлакатимизда илм-фанга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2021 йилда кўп йиллар мобайнида молиялаштирилмасдан қолган фундаментал тадқиқотларга 222 миллиард сўм ажратилиб, 72 та илмий лойиҳа молиялаштирилгани бунинг яққол исботидир. Хусусан, “Ҳозирги Орол ва Оролбўйи ҳудуди микроб мажмуалари: хилма-хиллиги, хусусиятлари ва биотехнологик истиқболлари” лойиҳаси учун 2 миллиард 892 миллион 900 минг сўм ажратилди.

Ҳўш, бу лойиҳа қандай фундамен-тал муаммолар ечимини топишга қаратилган ва унинг муваффақиятли бажа-рилиши ҳақон ва юртимиз илм-фанига қандай наф беради?

Денгиз ва океанлар Ер юзининг уч-дан икки қисмини ташкил қилади ва уларнинг катта қисми (96 фоиздан кўпроғи) турли даражада шўрланган. Орол денгизининг қуриб бориши унинг ҳам шўрланиш даражаси ошишига олиб келди. Денгиз суви ўзида ўртача 3,5 фоиз эриган туз сақлайди ва унинг асосини ош тузи (NaCl) ташкил қилади.

Бугун Орол денгизи сувининг шўрла-ниш даражаси 9,7-10,1 фоизни ташкил қилади. Шу боис, уни гипершўрланган денгизлар қаторига қўйиш мумкин. Орол денгизи сувининг шўрланиш дара-жаси ортиб бориши унда яшайдиган сув жонзотлари, айниқса, микроорга-низмлар хилма-хиллигини ўзгаришиб юборгани айни ҳақиқат.

Орол фоҳиаси нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё мамлакатлари, қолаверса, бутун дунёнинг экологик ҳо-латига таъсишли таъсир кўрсатаётир.

Кейинги 50 йилда Орол юқори да-ражада шўрланган кўлга айланиб бора-моқда. Бошқа жониворлар сингари Орол сувида ва унинг қуриган тубида яшовчи микроблар ҳам ўзгариб бораёт-ган муҳитга мослашиб, таркиби ўзгариб бормоқда. Институтимиз олимларининг

Президентимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги резолюцияси қабул қилинганига бир йил тўлди. Ўтган вақт давомида Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инновациялар ва юксак технологиялар ҳудудига айлантириш борасида бир қанча эътиборга молик ишлар бажарилди. Бу гоё ва ташаббуслар илм-фанга оид лойиҳаларда ҳам ўз ифодасини топиб бормоқда.

Ўзбекистон Миллий университети мик-робиолог олимлари билан ҳамкорликда олиб борган тадқиқотлари Орол денгизи сувида яшовчи микроорганизмлар шўр-ли денгизлар сувида яшовчи микроб-ларга ўхшаб кетганини кўрсатмоқда. Замонавий молекуллар биологик тадқиқотлар давомида Орол сувида яшовчи прокариотларнинг асосий қис-мини галобактериялар оиласига қирув-чи архейлар ташкил қилиши аниқланди. Шунингдек, протобактерия, актинобакте-рия ва бактероидетес авлодига мансуб бактерияларнинг таркиби ва тури ҳам

йин бошқариладиган тизимда тадқиқот ўтказиш ўта масъулиятли ва илмий кўламдор жараёндир. Мана шуларни эътиборга олган ҳолда лойиҳада мик-робиопрепаратлар яратишининг наза-рий асослари, технологик омиллари, уларни ишлаб чиқариш ва ишлатиш шароитини оптималлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Орол суви ва қуриган тубида яшов-чи экстремал ҳолатдаги микроорга-низмларнинг физиологик фаоллиги-ни тадқиқ қилиш, бир томондан, янги биопрепаратларни яратиш учун асос

кузатилади. Бундай шароит микроб хилма-хиллигини сақлаб қолиш учун реакцияларни жадаллаштириш, уларни бошқариш, микроорганизмларни янги шароитда ўстириш жараёнини такомил-лаштириш зарурлиги каби ўта мураккаб масалаларни келтириб чиқаради.

Микроорганизм ҳужайраларининг мазкур экологик омилларга нисбатан биосинтетик жавобининг янги шакл-ларини излаб топиш, айниқса, табиий ёки сунъий ташкил қилинган лабора-тория шароитида шакллантирилган экстремофил культуралар хусусиятини таққослаб, қиёсий ўрганиш фундамен-тал тадқиқотларга жуда катта қизиқиш уйғотади.

Биогеокимёвий жараёнлар натижа-сида туپроқнинг функционал хусусия-тини яхшиловчи янги технологиялар яратиш ва улар асосида яратилган био-препаратлардан бетон, гипс, оҳактош каби қоршималарнинг мустаҳкамлиги-ни ошириш ҳамда конструкцияларнинг шикастланган жойларини тузатишда фойдаланиш жуда катта иқтисодий фойда беради.

Орол денгизи сувида ва қуриган тубида мана шундай хусусиятга эга уробактерияларни ажратиб олиш-га ҳам эришдик. Келгусида уларнинг ҳужайралариндан ташқарида каль-цийнинг индукцияланган чўктириш ху-сусияти, яъни ушбу жараёнда қатна-шадиган ферментлар тизимини ҳамда бошқа метаболитларни ўрганиш билан бирга бу жараённинг амалий аҳамиятидан фойдаланиш бўйича ҳам изланишлар олиб боришни режа-лаштирганимиз.

Карбонатогенез механизмларини ёритиб бериш фундаментал муаммо-лардан бири бўлиб, бутун дунёда ҳо-зирча яхши ўрганилмаган, тўғрироғи, ўз ечимини топмаган. Бизга ажратилган фундаментал лойиҳа асосида бу муам-мо ечимини топиш бўйича ҳам тизимли ишлар, чўқур тадқиқотлар олиб бориш мўлжалланган. Ҳозиргача ўтказилган тадқиқотлар натижасида кальцийни чўктириш хусусияти турли бактериялар-да ҳар хил кечилини кўришга эришдик.

Бетон ёрикларининг бактериал ре-медияцияси амалиётда кенг қўлла-ниш мумкин бўлган жараён. Одатда, ишлатиладиган тизимларга нисбатан бактериал тизим устуворлиги бактери-ал цементловчи суяқликнинг ёпишқок-лиги пастлиги билан изоҳланади. Бу изланишларни тизимли давом эттириш биогеотехнологияда янги йўналишлар очиб имконини беради.

Мухтасар айтганда, фундаментал тадқиқотлар қатор амалий лойиҳалар учун ҳам асос бўлади ва мамлакатимиз иқтисодиётини кўтаришга ўз ҳиссасини қўшади.

МОЗИДАН САДО

ТАРИХДАН
СЎЗЛОВЧИ ДАРГОҲ
ҲАММА УЧУН БИРДЕК ҚИЗИҚАРЛИ ВА СИРЛИ

Ҳилола ТУРСУНОВА,
Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи
бўлим mudiri

Тараққиёт сари интилаётган давлат борки, доим тарихга назар солиб, мамлакатнинг мавжуд урф-одат, анъана ва қадимий ёдгорликларини ўрганишга ҳамда сақлашга зарурат сезиши табиий. Бу борада музейларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёслигини мутахассислар бир овоздан таъкидлайди. Чўнки бу масканларда ўтмишдан келаётган тарихий моддий-маданий, маърифий, табиий ёдгорликларининг яхлит тизимга солинган мажмуаси амалдаги қонун-қоидага мувофиқ сақланади ва намойиш қилинади.

Шу йилнинг 26 апрель куни Президен-тимиз раислигида туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузил-масини ривожлантириш чора-тадбир-лари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида музейлар фаолиятини са-марали ташкил этишга алоҳида тўхта-либ ўтилгани бежиз эмас. Чўнки халқи-мизнинг бой ўтмишдан сўзловчи бу масканлар туризмни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, йиғи-лишда юртимиздаги барча музейлар экс-понатларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон базасини яратиш, музейлар раҳбар ва ходимларининг ма-лакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлагани-дек, Навоий вилоятида ички туризмни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Улардан оқилона фойдаланиш, вилоятдаги туризм марказларида сай-ёҳлар учун етарли шароит яратиш, му-зейлар фаолиятини ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан масъул ташкилотларга теги-шли вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, моддий ва номоддий ма-даний меросимизни ўрганиш, аждод-ларимиз қолдирган бой тарихий ёдгор-ликларни асраб-авайлаш, музейларда сақланаётган осори атиқаларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш учун му-зейимиз ходимлари иштирокида тегишли мақсад ва вазифалар белгиланб олindi. Навоий вилояти тарихи ва мадания-ти давлат музейи 30 йиллик тарихга эга. Фондида археология, нумизматика, амалий санъат ҳамда этнографияга оид 25 мингдан ортиқ бёбаҳо экспонат сақланмоқда. Вилоятда музейнинг тўрт-та филиали ҳам фаолият олиб бормоқда: Қосим шайх мажмуа музейи, Қизилтепа тарихий ўлкашунослик музейи, Нурота табиий-меъморий мажмуаси ҳамда Сар-мишский давлат музейи қўриқхонаси.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги “2017-2027 йилларда дав-лат музейлари фаолиятини такомил-лаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тад-бирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги

қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига кўра, Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам кенг кўламли ишлар бажарилди.

Жумладан, янги музей концепцияси асосида турли бўлимлар фондида сақла-наётган тарихий, қадимий музей ашё-лари ва коллекциялари намойиши учун резекпозиция ишлари амалга оширилди. Кўргазмага қўйилган мис ва бошқа ме-таллардан ишланган маиший буюмлар, анъанавий кийимлар эса қадимий одам-лар турмуш тарзини очик намёнён этиб, даврлар силсиласида қанчалик даража-да ўзгариб борганини акс эттиради.



Музейнинг бой экспозицияси Зараф-шон воҳаси, Навоий вилояти ҳудудининг тош давридан бугунги кунига қадар бўл-ган замонавий тарихини ўзида қамраб олган. Хусусан, қадимий экспонатлар ўрин олган бўлимлар кишида катта қи-зиқиш уйғотади. Сайёҳлар, аввало, халқимизнинг энг қадимий халқ амалий санъати бўлган қулоллик, темирчилик ашёлари билан яқиндан танишиб, тари-хий шахсларнинг ҳам асосан қулоллик билан шўғуллангани ҳақида маълумотга эга бўлади.

Музейга келганлар саёҳат давомида тарихий ашёлар, нодир қўлёмалар, ҳуж-жатларга қараб аждодларимиз тарихи ва ҳаёти ҳамда юксак маънавиятидан ха-бардор бўлади. Бу эса юртошларимиз, айниқса, ёшлар қалбида ота-боболари-миз қолдирган меросга ҳурмат, эъзоз ва мухаббат туйғусини уйғотиш билан бир-га, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиш ҳиссини ҳам шакллантиради.

ҲУНАРМАНДЛИК

Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Умида эндигона атак-чечак қилиб юра бошлаган кезлари бир фалокат сабаб умуртқасига зиён етиб, аравачага михланиб қолди. 5 ёшдан тикшиш сирларини ўргана бошлади. Унинг илк устози, яқин дўсти онаси эди. Тақдирнинг ишини синов деб билган Мунира опа қизининг танглайини бадийий китоблар билан кўтарди, ҳунарга ошно қилди. “Ҳар кун — янги имконият, оппоқ орзуларни амалга ошириш учун меҳнат қиладиган пайт. Шунинг учун ҳам у ёруғ. Ўқий, ўрганиш, изланиш учун берилган вақт олтиндан қиммат. Тонгни қаршилаганимизда олдимизда катта мақсад, режаларимиз бўлиши керак”, деб ўргатарди қизига. Шунданми, Умида ўзини имконияти чекланган деб ҳис қилмасди, доим фойдали ишлар билан банд бўларди.

Ҳар бир кундан унумли фойдалана олиш, доим самарали ишлар билан банд бўлиш сабоғи Умида учун ҳаётий мезонга айланди. Орадан анча йиллар ўтгач, табиятан қизиқувчан, ўткир зеҳн соҳибаси бўлган қаҳрамонимиз интернет орқали тўқий сирларини ўрганди. Турли иплар-дан пайпоқ, кийим-кечак, сумка, гул ва қўғир-чоқлар тўқий бошлади. Ўзининг айтишича, ишга қўйилгани сари заъки ошиб, жараён яна ҳам қи-зиқарли туюлади.

Самарқанд — замин сайқали. Ушбу шаҳар кўҳна тарихи ва бетакрор гўзаллиги билан доим

УМИДЛАРИ
ИММОН
МИДА

дунё сайёҳларини ўзига тортиб келади. Бу, худуд-да туризм, хизмат кўрсатиш каби соҳалар билан бир қаторда, ҳунармандчилик ривожини учун ҳам қулай имконият яратади. Самарқанд шаҳрида истиқомат қилаётган Умидага ҳам ушбу қулайлик фаолияти ривожини учун қўшимча имкон берди.

— Бекор ўтирмасдан интернетдан тўқий сирлари ҳақидаги видеодарсларни кузатар-дим, — дейди Умида Махмудова. — Ҳозирда 6 турдаги тўқувчилик маҳсулотини тайёрлайман. Ойлавий ҳунармандчилик, опаларим тиккан қўй-лакларга ипаклар орқали безак бераман, кашта тикаман. Оддий матодан тикилган кийимга бор меҳрингизни берсангиз, маҳсулотларингизнинг бозори қаққон бўларкан. Кўнлаб шогирдларим бор. Ўйда бола тарбияси билан банд бўлган, қўшимча даромад топиш истагидаги аёллар билан касаначилик фаолиятини ҳам йўлга қўйганимиз. Бундан ташқари, буюртмалар орқали қандолат маҳсулотларини ҳам тайёрлай-ман. Юртошларимизнинг шодиёна кунлари, тўй дастурхонларини мен тайёрлаган тортлар безатиб турса, ҳунарга меҳрим янада ортади. Жамиятга керак эканман, деган ишонч пайдо бўлади. Шу ишончдан куч оламан.

Тўқувчилик бирмунча мураккаб ҳунар, инсон-дан кунт ва сабр талаб қилади. Махсус асбоби ип занжирлари орасига бирма-бир киришиб, ке-ракли шаклни ҳосил қилиш учун катта меҳнат ва



дид керак. Битта қўғирчоқни ясаш учун 2-3 кун вақт кетади.

Аслида, ҳар бир чақалоқ минг бир истеъдод, янги тафаккур билан туғилади. Педагогларнинг таъкидлашича, жисмоний ҳаракатлари чекланган болаларнинг тафаккури нисбатан теранроқ бўла-ди. Иродасининг метинлиги, матонати, руҳия-тининг тетиклиги сабаб улар кучли бўлиб бора-веради.

— Умида ёшлигидан ҳунарга меҳр қўйди, ўр-ганди, юрагидagi ҳаваслари, орзуларини ҳунари орқали тасвирлашга уринди, — дейди Мунира опа. — Қизим тўқиган буюмларни кўпчилик сўраб



келади. Буюртмалар орқали чет давлатларга ҳам маҳсулот чиқаради. Кўпчиликдан раҳмат эшитган-им учун ҳам қизимнинг имконияти чеклангани менга билинмапти. Тўғри, унинг аҳолини қўриб тушқунлиқга тушган вақтларини бўлган. Лекин жа-миятдан ажралиб қолмаслиги, тортинчоқ бўлмас-лиги учун мактаб дарсларидан сира қолдирма-ганман. Бугун қизим билан фахрланаман. Мана шундай қўлигул фарзанднинг онаси эканимдан кўксим гурурга тўлади. Имконияти чекланганлар учун яратилаётган шароит, берилаётган имтиёз-лардан мамнунмиз. Мухими моддий ёрдам эмас, бизни қувонтиргани, чечка қишлоқ ёки марказда яшайдими, ҳар ким эътиборда.

Президентимизнинг жорий йил 17 февралдаги “Ноғиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўла-б-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар риво-жида муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Жумладан, ушбу ҳужжат ноғиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваршишга муҳтож бўлган болаларни парваришгаётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Юртимизда сўнгги йилларда инсон кадр-қим-матини юксалтириш, бу борада, айниқса, ноғиро-нлиги бўлган шахсларимизни қўллаб-қувватлашга доир масалалар алоҳида диққат-эътиборда.

Имконияти чекланганларни жамиятга интеграция қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширил-моқда. Бу борадаги чора-тадбирлар, албатта, уларни умидсизлик қайфиятидан халос этиб, ҳа-ётга интилишини оширади. Шунингдек, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Имконияти чекланган ҳунармандлар ва тад-биркорларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш борасидаги ишлар самарасида яқинда Умида замонавий аравача ва тикув машинасига эга бўл-ди. Энди ҳунарманд қиз бозорга янада кўпроқ маҳсулот олиб чиқиб имкониятига эга. Матога гул бошиш вазифасини ўтайдиган машинаси би-лан миллий либослар, дастурхон ва сумкаларга безак бериб, ўз даромадини янада оширмоқда.

— Келинлар учун миллий либослар тикишга ҳам қизиқаман, — дейди Умида. — Авваллар матога безак бериш учун шаҳар марказида фао-лият юритадиган тадбиркорлар хизматидан фой-даланар эдик. Бориб-келиш бил мунча қийинчи-лиқни юзага келтирарди. Қолаверса, кўп харажат қилишимга тўғри келарди. Энди ўзимда шундай машина бор ва либосларни буюртмачилар иста-гандек безаб, арзон нархда етказса оламан. Тад-биркорлик ривожига, яъни рақобатда ютишда бу муҳим.

Ҳар кимнинг умр йўли турлича, тақдири турфа. Мухими, бу йўлни шунчаки босиб ўтиш эмас, унга мазмун кирита олиш. “Ҳунар — оқар бўлоқ, илм — ёнар чироқ”, деган нақлга амал қилган қаҳра-монимиз меҳнат орқали ҳам ўзини банд қилиб, яхши даромад кўрмоқда, ҳам қўллаб-иқсонларига ҳунар ўргатиб, уларнинг даромад топишига ҳисса қўшмоқда. Бугун маҳалла ахли Умидадан мин-натдор. Қизлар дарсдан бўш қолдим дегунча, шу ҳовлига ошиқади. Аёллар ўрганган ҳунари орти-дан оиласига даромад олиб қиради.

Миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривож-лантириш, қўлигул ҳунармандларни тадбир-корлик фаолиятига жалб қилиш йўлида яратил-ган имкониятлар соҳа раванқига кенг йўл очди. Умида мана шундай имкониятлардан ўринли фойдаланиб келаётган ёшларимиздан. Умид ва мақсадлари умуман қадар кенг бўлган меҳнаткаш қизнинг интилиш ва мақсадлари тенгдошлари учун ибратдир.



Ёшлар

бир мақсад йўлида

ФОРУМ

Бошланиши 1-бетда

— Хунармандлар марказида фарғоналик қўлигул чеварларнинг турфа маҳсулотлари билан яқиндан танишдик, — дейди форум иштирокчиси Гулзамина Бобокалонова. — Самимий суҳбатлардан миллий қадрият ва аёнчаларимиз нақадар ўхшаш эканини яна бир бор ҳис этдим. Атлас ва адрас Шарқ аёлларига гўзаллик ва латофат бахш этади. Айниқса, Марғилонда



бобомерос хунарларни меҳр билан давом эттираётган устоз ва ёшлар ҳамжиҳатлиги, амалий ишлар ҳавасимизни оширди. Мамлакатларимиз ўрасида ўзаро қўшничилик, қардошлик ришталарини мустақамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар барчамизни бир мақсад сари бирлаштириб, дўстлигимиз ва бирдамлигимиз давомийлигига хизмат қилмоқда.

Рақамли технологиялар маркази раҳбари Баҳромжон Жалилов меҳмонларга ИТ, компьютер технологиялари соҳасида фарғоналик ёшлар эришяётган муваффақиятлар хусусида батафсил маълумот берди. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу марказ интеллектуал ёшларнинг сеvimли масканларидан бирига айланган. Бу ерда ёшларнинг илмий ишланмалари ишлаб чиқариш соҳаларига татбиқ этилаётди. Учрашувда бир гуруҳ ёшлар роботехника, автомобилсозлик ва дастурлаш тизимида амалга оширган янгиллик ва ихтиролари тақдимотини ўтказишди.

— Жамият тараққиётида ахборот технологияларининг ўрни бекиёс. Тожикистонда ҳам аксарият ёшлар ана шундай замонавий касбларга қизиқади, — дейди Парисо Ализода. — Ўртингизда ижодкор ва интилувчан ёшлар учун яратилган катта имконият ва шароитларни кўрдик. Бу ерда самарали изланишлар олиб бораётган тенгдошларимиз билан яқиндан танишиб, ўзаро ҳамкорлик юзасидан келишиб олдик. Яширмайман, Ўзбекистон ёшларига ҳавас қилдим.

Меҳмонлар Эркин Воҳидов номидаги ижод боғида шор ҳайкали пойига гул қўйд. Пир Сиддиқ — Каптарли мазор мажмуасини зиёрат қилди. Марғилон шаҳридаги Ёшлар кичик саноат зонаси-



да юрт ёшлари ташаббуси билан амалга оширилаётган янги лойиҳалар билан танишди.

Ўзбекистон — Тожикистон ёшлар форуми амалий мулоқот ва қизиқарли учрашувларга бой бўлди. Тадбир давомида илм-фан, ахборот технологиялари йўналишлари бўйича минтақада ёшлар сиёсатини ривожлантиришга қаратилган қатор ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқилди. Қизиқарли интерфол ўйинлар ва тренинглар ўтказилди.

— “Ёшлар — келажакимиз” вилоят жамғармаси томонидан ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасидаги ишлар менга жуда манзур бўлди, — дейди меҳмонлардан бири Мартаба Султонзода. — Бу ерда тадбиркор ёшлар учун яратиб берилган қўлайликлар ранг-баранг эканига гувоҳ бўлдик. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси лавозими жорий этилгани ва улар томонидан қилинаётган ишларни ўрганса, ибрат олса арзийди. Бундай учрашувлар янада бардавом бўлишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, фарғоналик ёшларни ўз юртимизга таклиф қиламиз.

Форум иштирокчилари кўлоллар юрти Риштонга ҳам сафар уюштирди. Президентимиз ташаббуси билан кўҳна Риштонда қурилган Халқаро қўлоллик маркази форум иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда кўлоллар учун 20 та икки қаватли хонадон ва тарих музейи мавжуд. Уйларнинг биринчи қаватида устакхона ва савдо дўкони жойлаш-



Форум иштирокчиларининг кейинги манзили жаҳон хунармандлари шаҳри сифатида эътироф этилган қадимий Кўкон бўлди. Шаҳарнинг ўзига хос урф-одатлари, тарихий обидалари, осори атиқалари тожикистонлик ёшларда ўзгача таассурот қолдирди.

— Кўкон тарихи ва тавсифини китобларда кўп ўқиганман, киноларда кўрганман. Бугун бу латиф шаҳарни ўз кўзим билан кўриб, унинг нақадар улугвор эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, — дейди Тожикистон Республикаси ҳукумати хузуридаги Ёшлар ва спорт ишлари кўмитаси халқаро бўлим бошлиги Хусрав Айюбзода. — Шаҳарнинг ўзига хос



“ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ КЕЙИНГИ МАНЗИЛИ ЖАҲОН ХУНАРМАНДЛАРИ ШАҲРИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ҚАДИМИЙ КЎКОН БЎЛДИ. ШАҲАРНИНГ ЎЗИГА ХОС УРФ-ОДАТЛАРИ, ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИ, ОСОРИ АТИҚАЛАРИ ТОЖИКИСТОНЛИК ЁШЛАРДА ЎЗГАЧА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ.”

ган, иккинчи қаватида эса хунармандлар оилалари яшамоқда.

— Урф-одат ва аёнчаларимиз бирдек суюкли, — дейди Мухаммадтолиб Шокирзода. — Кўҳна юртининг қўлоллик мактаби, оддий туپроқдан яратилаётган санъат буюмларини тайёрлаш жараёни билан бевоқиф танишиш имкониятига эга бўлдик. Тожикистонда ҳам қўлоллик ривожланган. Аммо Риштон қўлоллик буюмлари ўзига хос кўриниш ва исломий нақшларга бойлиги билан ажралиб туради.

тарихи, меъморий қиёфаси, ҳудуддаги ободончиликлар эътиборимизни тортди. Қувонарли жиҳати, бу ишларнинг ташаббускори ва ижрочилари бугунги ёшлар.

Тожикистонлик ёшлар делегацияси аъзолари Учқўприк туманининг “таширф қўғози”га айланган “Меҳриғиё” саломатлик боғида ҳам бўлишди. Бу ерга ҳар йили қўлаб маҳаллий ва хорижий сайёҳлар табиий гўёлардан тайёрланган шифобахш неъматларни истеъмол қилиш илжинида келади. Яқинда корхонага Ўзбекистонда илк бор “USDA organic regulation, 7 CFR Part 205” халқаро сертификати берилди. Мазкур сертификат корхонада маҳсулот экиш, етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш тизими тўлиқ табиий йўлга қўйилгани, кимёвий қўшимчалардан фойдаланилмаслиги кафолати ҳисобланади.

Сирасини айтганда, форум жараёни қизиқарли ва мазмунли лаҳзаларга бой бўлди. Дастур доирасида тожикистонлик ёшлар водий гавҳари бўлган Фарғонанинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилиб, ўзлари каби ташаббускор ва билимли ёшлар билан танишиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

yuz_official

yuz.uz_news

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Спортчи оила ибрати

Маҳаллага Васила янги келин бўлиб тушдию, бу ердаги баъзи андишаликларга барҳам берилди. Андиша деганимиз, қишлоқ аёлларининг бир озгина тортиниши, ўз саломатлиги йўлида қилиниши керак бўлган ҳаракатларни бажаришда ийманиши эди. Васила янгани болалигидан спортга қизиқиши, футбол ва волейболни яхши кўриши ҳали ҳам тарқ эмасди. Шу боис, турмуш ўртоғи Илҳом ака ҳам спортчи экани унга қўл келди.



Ҳар тонгни қишлоқда яқна ўзи жисмоний тарбия машғулотлари билан қутиб оладиган Илҳом акага шерик топилди. Ёш келин-куёлар ҳар кун саҳарда спорт кийимига аввал мактаб йўлгоҳида юғар, сўнг ҳовлига келиб турли машқларни бажарарди. Бу ҳолат дастлаб қўшинларга анча эриш туюлди.

Саломатлигидан шикоят йўқ

Қашқадарёда улоқ-қўпқарига қизиқмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Имкон топгани тўй-сайилларда, яхши кунларда кўпқари бериб, эл дуосини олади. Шулар қаторида Илҳом Чоршанбиев ҳам кўпқарининг ҳақиқий ишқибози. Болалигидан ҳовлисида от боғлиқ туради. Улоқ чопишнинг ҳадисини яхшигина олгани боис, Илҳом чавандоз деган ном қозongan. У умр йўлдоши Васила Маҳмарасулова билан турмуш оstonасидан ҳатлаб ўтганида ниятлари юксак эди — келажакда фарзандлари, албатта, спортчи бўлади.

Ёш йигитнинг асосий вақти от мусобақалари билан ўтади. Жисмонан тетик бўлиш учун ҳар доим ўзи яшайдиган Қўқдаланинг Бегламишой қишлоғида машғулотлар билан банд. Ўзи тенги ёшлар гоҳида суҳбатлашиб саломатлигидан солиганини эшитса, ҳали бирор марта касалхона эшигидан ҳатламаган чавандозга эриш туюлади. Қўпқина ўртоқларига танбёҳ берган бўлади. Спорт билан шуғулланиши масъул беради.

Турмуш ўртоғи билан қишлоқ айланиб югураётганини кўрганлар аввалига қулишди. Бунга эътибор беримаган икки ёш бир кун келиб, улар ҳам тушуниб олишларини англаб, парво қилишмади. Спортчилар оиласида тўнғич фарзанд Шаҳризода дунёга келганида қиз келажакда футболчи бўлиши ота-онасининг хаёлига ҳам келмаганди. Қуш уясида кўрганини қиладиганларидек, Шаҳризода ҳам оиладаги кунлик одатни кўриб вояга етаркан, ўз-ўзидан спортга меҳри тушди. Айниқса, футболга меҳри бўлақча бўлди. Футбол майдонларида бир оз тўп тепган бўлса, кейинчалик мураббийлик фаолиятини бошлаб юборди. Бугун жисмоний тарбия ўқитувчиси. Ёш авлодга спорт сирларидан сабоқ беришдан завқ олади. Ўзи ҳам мунтазам спорт билан банд.

Иккинчи қиз Лайло эса тўп ортидан қолмай ўлғайди. Натижада у қизлар футбол жамоаси аъзосига айланди. Ҳозир Қарши давлат университетининг жисмоний маданият факультети 4-босқич талабаси Лайло Қаршининг “Севинч” футбол клубида тўп сурди. У ушбу жамоа сафида ҳозиргача бир неча бор Ўзбекистон чемпиони бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон спорт устаси унвони соҳибаси, футбол бўйича мамлакат хотин-қизлар терма жамоаси аъзоси. Лайлонинг эришган натижаларини бирма-бир санаб ўтадиган бўлсак, мактовга арирли даражада.

Оиланинг учинчи фарзанди Амина ҳам опалари ортидан эргашиб, тўп кетидан қолмади. Тез орада футболни яхши ўйнайдиган бўлган Амина катта

футбол сари қадам ташлади. Бир муддат мамлакат ёшлар терма жамоаси сафида ўйнаб, тажрибасини оширди. Ҳозир Фарғонанинг “Нефтчи” клуби хотин-қизлар жамоаси сафига қўшилган бу футболчи қизнинг орузлари юксак.

Тўртинчи қиз — Райхона ҳам футболга қизиқди. Чаққонлиги билан ажралиб турадиган Райхона кейинчалик спорт мактабларида тажрибасини ошириб, яхшигина футболчига айланди. У ҳам бир муддат мамлакат терма жамоаси сафида ўйнаб, яхши натижаларини қўлга киритди. Айни пайтда эса Бухоро вилояти хотин-қизлар терма жамоасининг фаол ўйинчиларидан бири.

Оиланинг бешинчи фарзанди Эътибор ҳозир 14 ёшда. У ҳам миллионлар ўйинининг ашаддий ишқибози. Ёш бўлишига қарамай, ўз ёш тоифаси бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритган. Бугунги кунда “Севинч” хотин-қизлар футбол клуби тўпурари. Унинг ҳам орузлари бисёр.

Қизларнинг кичиги Ўғиллой эса 12 ёшда. У ҳам опалари сингари футболчи бўлди. Айни пайтда вилоят ёшлар терма жамоасининг энг яхши ўйинчиларидан. Қўпчилигининг ҳавасини орттирган қизалоқнинг мақсадлари осмон қадар. Бунинг учун эса у астойдил меҳнат қилишдан чарчамайди.

Мухаммадқодирнинг орузи

Олти қиздан кейин дунёга келган оиланинг кенжа фарзандига машхур боксчиға ҳавас ила Мухаммадқодир деб



исм қўйишди. Гоҳида опалари билан футбол ҳам ўйнаб туради. Лекин бокс энг қизиққан спорт тури. Отаси Илҳом ака доимо Қарши шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган бокс тўғрарига олиб боради. Ҳали ёш бўлишига қарамай, тиришқоқлиги билан устозлари эътиборига тушди.

— Мухаммадқодир Абдуллаев каби боксчи бўлишни оруз қилганман, — дейди 8 ёшли Мухаммадқодир. — Бунинг учун астойдил шуғулланишим зарур.

Яқинда Қўқдала тумани марказида болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун янги спорт мажмуаси ишга тушади.



Бу эса узоқларга қатнаб шуғулланувчи спортчиларга янада қўлайлик туғдиради.

Дарҳақиқат, Президентимиз яқинда Қўқдалага таширфи чоғида масъулларга бир қатор кўрсатмалар берган эди. Шулар қаторида тумандаги ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тез орада янги, замонавий спорт мажмуаси қад ростлаб, болалар ихтиёрига топширилади. Бу эса Мухаммадқодир сингари спортчи ёшлар учун имкониятлар эшигини янада кенгроқ очиши шубҳасиз.

Футбол майдонидан топилган бахт

Бугун олти қиз ва бир ўғли спорт майдонларида бўлган Илҳом ака ва Васила опанинг деярли ҳар куни футбол майдонига ўтади. Агар қизларидан бирортасининг жамоаси Тошкент шаҳрида ёки бирор вилоятда ўйин ўтказадиган бўлса, улар ҳам ўша жойда ҳозир бўлишиб, мухлислик қиладди. Дарвоқе, Илҳом ака Қаршининг “Севинч” хотин-қизлар жамоаси фан-клуби раҳбари ҳам. Мухлислари бошлаб, доим футболчи қизларга мухлислик қилиб боради.

— Оилавий суҳбатимиз доим футбол билан бошланиб, футбол билан тугайди, — дейди Илҳом Чоршанбиев. — Доим қизларимни майдон ортида олишлаб тураман. Улар ҳам ўрганиб қолган. Онаси иккаламиз уларни дуо қилиб ўтирамыз. Ўзим ҳам болалигимда футболга қизиқардим. Шу боис бўлса керак, қизларим футболга меҳри бўлақча бўлиб вояга етмоқда. Болалигимда машхур спортчи бўлишни астойдил истардим. Лекин тан олишимиз керак, у пайтларда спортга, болалар футболга, жисмоний тарбияга эътиборнинг ўзи йўқ эди. Мен каби қўлаб истеъдодлар ярим йўлда орузлар оғушида қолиб кетган. Қишлоқ тугул шаҳарда бирор яхшироқ спорт мажмуаси қаёқда эди? Гоҳида ўйлашиб қоламан, бизнинг болалигимизда ҳам ҳозиргидек шароитлар бўлганида мен ҳам чемпион бўлардим. Лекин ўша давларда жуда олис кўринган орузларим рўёбини қизларимда кўярлман. Орузларим аста-секин рўёбга чиқмоқда. Ҳар сафар фарзандларимнинг ютуқларига гувоҳ бўлганимда, ниятларим амалга ошаётганидан қувониб, ёшариб кетаман. Бир пайтлар ўзимизнинг Қўқдала ҳудудида қарашли “Қўқдала” футбол жамоаси бўларди. Яқин атрофдаги ёшлардан иборат ажойиб жамоа эди. Мен ҳам бир муддат шу жамоага аъзо бўлганман. Кейинчалик фаолияти тўхтаб қолди. Ҳозир ушбу жамоани тиклаш ҳаракатлари бошланган. Янги туманининг янги жамоаси тuzилса, иктидорли ёшларга кенг йўл очилади...

Бир пайтлар Қўқдаланинг Бегламиш қишлоғида эрта тонгда биргина Илҳом аканинг спорт билан шуғулланиб юрганига гувоҳ бўлганлар бугун унинг ортидан нафақат оиласи, балки бутун қишлоқ аҳли соғлом турмуш тарзи таъомилларига амал қилишга қиришганини кўриши мумкин. Ҳозир ҳар куни саҳардан аҳолининг ёшу қариси Илҳом аканинг ортидан югуришни қанда қўламаётган бўлса, қизлар оиланинг футболчи қизларига эргашган. Бир пайтлар бир озгина тортиниб турган қишлоқ аёллари эса Васила янги ортидан бадантарбия машғулотларини одатга айлантиришди. Отаҳону онахонлар ҳам пиёда юриш машини олишган.

Бир сўз билан айтганда, оддийгина, ҳеч бир спорт қошоноси бўлмаган, самимий, камтарин инсонлар яшайдиган қишлоқда бир оиланинг таъсири тўғрисида барча спортга ошно тугинмоқда. Энг асосийси, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи маданияти шаклланиб, фаровон ҳаёт кечиришга интилиммоқда.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 23:28 Топширилди — 23:55